

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА ЗИЛОЛА ДУРДИМУРОТОВНА

ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(технологик таълим йўналиши мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Расулова Зилола Дурдимуротовна

Талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим
воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (технологик
таълим йўналиши мисолида) 5

Расулова Зилола Дурдимуротовна

Усовершенствование методики использования программных средств в
образовании для развития креативности студентов (на примере
технологического направления образования) 25

Rasulova Zilola Durdimurotovna

Improving the method of using software teaching aids in the development of
creative abilities of students (on the example of Technological education
direction) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА ЗИЛОЛА ДУРДИМУРОТОВНА

ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(технологик таълим йўналиши мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped2408 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиев Эркин Искандарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматов Дилмурад Нармуратович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил “__” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221–29–14; факс: (0 365) 221–57–27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221–25–87).

Диссертация автореферати 20__ йил “__” _____ кун тарқатилди.

(20__ йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Р. Адизов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

М.Ф. Атоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD), доцент

Ҳ.О. Жўраев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнида бўлажак мутахассисларнинг креативлигини ривожлантириш, касбий ҳамда конструкторлик-технологик компетентликни таълимнинг инновацион технологиялари асосида шакллантириш, олий таълимда илғор технология ва дастурий таълим воситалардан кенг фойдаланиш, ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усуллариини интеграциялаш масалалари долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, Princeton University (АҚШ), таълим технологиялари навигатори ахборот-методик маркази (Россия), Cyber University (Жанубий Корея) каби нуфузли илмий тадқиқот марказларида таълим сифатини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар олиб борилиб, салмоқли амалий натижаларга эришилмоқда.

Дунёда ўқув жараёнини виртуал лойиҳалаш (Simulations), масофавий таълим (Moodle, Ilias, Dokeos ва ҳ.к.) шакллариини кенг татбиқ этиш, ахборот-таълим муҳити (e-learning) шароитида таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлиги, таълим олувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш, касбий фаолиятга инновацион тайёрлаш жараёнини ривожлантиришда, дастурий таълим воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштириш; ўқув жараёнига Миллий квалификация тизимини тўлақонли жорий этиш; тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашлари учун таълим мазмуниини инновацион лойиҳалаш; касбий компетенцияларни таркибий қисмларга ажратиш; таълимнинг янги методик моделларини яратиш ва уларни муайян таълим амалиётида қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини модернизациялаш, олий таълим муассасаларида ривожланган мамлакатлар таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган рақобатбардош, креатив фикрловчи мутахассис-кадрларни тайёрлашга қаратилган ўқитиш жараёнини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Бинобарин, таълимни ривожлантириш учун “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари ва имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”, “илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Натижада технологик таълим йўналишининг умумкасбий ва ихтисослик фанларини виртуал реаллик қонуниятлари асосида ўқитишда касбий, методик ва интегртив билимлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39.

(визуаллаштирилган маълумотлар банки, виртуал лаборатория, умумкасбий характердаги интеллектуал топшириқлар тизими) асосида талабаларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини такомиллаштиришга оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши, уларнинг касбий компетентлигига узвий боғлиқ бўлиб, касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий таълим воситаларини қўллаш муаммоси бўйича хорижий ва республикамиз олимлари томонидан қўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари бўйича Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, Қ.Т.Олимов, С.Ю.Ашурова, У.И.Иноятлов, О.А.Абдуқудусов, Х.Ф.Рашидов, Н.Ш.Шодиев, Р.Қ.Чориев, З.К.Исмаилова, Қ.М.Абдуллаева, С.Ю.Ражабова, Л.В.Голиш, Ш.Х.Кулиева, Ў.Д.Хидиров, Д.О.Химматалиев, П.Р.Атутов, Ю.К.Васильев, В.А.Сластёнин, В.А.Скакун, А.А.Исмоилов, Х.И.Ибрагимовлар томонидан ўрганилган. Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, Р.Ҳ.Джўраев, Я.Ҳ.Ҳайдаров ва бошқаларнинг ишларида

бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш масалалари педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилинган.

Таълимда “креативлик”, “компетентлик” ва “компетенция” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш ва ташхислаш масалаларига оид изланишлар республикамиз олимларидан Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов, Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмиддинова, Ж.Р.Турматов, Р.Х.Файзуллаев, К.Т.Уматалиевалар, Г.Н.Ибрагимова, Н.Н.Алимовлар ва бошқалар томонидан, МДҲ ва хорижий мамлакатлар олимларидан В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, О.Н.Яригин, Н.В.Кузьмина, А.И.Кулешова, А.К.Маркова, Н.В.Скачкова, А.В.Хуторский, С.Р. Berger, W. Grabe, J. Harmer, L. Harvey ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Олий таълим муассасаларида дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик асослари, ахборотлаштириш назарияси, методикаси ва амалиёти бўйича салмоқли натижалар У.Ю.Юлдашев, Ф.М.Закирова, А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Б.Б.Мўминов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, М.М.Арипов, С.С.Ғуломов, Н.И.Тайлақов, Д.Н.Маматов, С.Қ.Турсунов, Ф.С.Тўрабеков, Ф.Ҳ.Ғаффоров, С.Ж.Тўраев, А.Р.Жўраев, С.И.Архангельский, Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, Б.С.Гершунский, С.Я.Батышев, И.Я.Лернер, Н.Ф.Талызина, А.А.Карабанов, Б.Л.Баташов, М.И.Беляев, Д.Ю.Буренкова, П.Д.Волков ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик ва дидактик имкониятларини такомиллаштириш муаммолари тадқиқ этилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетида 2019-2021 йилларга мўлжалланган АИФ-2/20 “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дастурий таълим воситалари асосида “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креативлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креативлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилиш;

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда, дастурий таълим воситаларини қўллаш асослари, тамойиллари, уларнинг умумий тузилмаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

умумкасбий ва ихтисослик фанларни инновацион ўқитишнинг дидактик имкониятларини аниқлаш орқали, ўқув-методик таъминот сифатида моделлаштирувчи, ўргатувчи, дастурий таълим воситаларини ишлаб чиқиш ва амалий таълимни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш;

талабаларнинг креативлигини ривожлантирувчи, касбий фаолиятга тайёрлаш моделининг самарадорлигини, тажриба-синов жараёнида математик-статистик қайта ишлаш орқали аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креативлигини ривожлантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети талабаларнинг фани креативлигини ривожлантириш методикасини дастурий таълим воситалари асосида такомиллаштириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик-психологик илмий манбалар, дидактик материаллар, “Технологик таълим” йўналиши малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари, ўқув-методик адабиётларни тизимли таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

креативликни ривожлантиришга оид “Blended learning”, “Three-stage training”, “The wheel of logical reasoning” технологиялар орқали умумкасбий ва ихтисослик фанларидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказишда “Inter-network communication”, “Creative flight”, “Memory exercise” каби инновацион таълим методларидан реал вазиятларда фойдаланиш асосида ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

талабаларнинг креативлигини ривожлантирувчи дастурий таълим воситалари ҳамда ўқув-методик ва дидактик таъминоти (график-конструктор, дастурий таълим алгоритми, тикувчи-модельер портфолиоси)ни ишлаб чиқиш орқали инновацион касбий тайёргарлик даражалари, (репродуктив, продуктив, қисман изланишли, креатив) баҳолаш параметрлари мазмунан такомиллаштирилган;

талабаларнинг касбий-педагогик сифатларини оширишга қаратилган (мантикий, эвристик, интегратив, танқидий, креатив, инновацион) ёндашувлари ва тикувчиликка оид креативлигини ривожлантириш дастурий

таълим воситаларининг дидактик, ўқув-методик, визуаллик, диагностик, интеллектуал функционал имкониятларидан фойдаланиш орқали график компетентликни оптималлаштирувчи модел такомиллаштирилган;

“NanoCAD”, “Discreet 3DS Max”, “Animation Master” дастурларидан фойдаланиш орқали касбий фаолиятга инновацион характерли, креатив ёндашадиган, лойиҳалаш ва моделлаштириш каби тикувчилик-конструкторлик кўникма, малакаларини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креативлигини ривожлантиришга қаратилган дастурий таълим воситалар комплекси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

“Технология фанини ўқитиш методикаси”, “Технология таълими практикуми” фанларидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш “Inter-network communication”, “Creative flight”, “Memory exercise” “Blended learning”, “Three-stage training”, “The wheel of logical reasoning” каби инновацион таълим методлари ва технологияларини тадбиқ этиш асосида ўқув методик таъминоти такомиллаштирилган;

талабаларнинг креативлигини ривожланганлик даражасини автоматик аниқлаш ва объектив баҳолаш, дастурий воситалар асосида, амалда назорат қилиш имконини берувчи мезонлар ва кўрсаткичларни танлаш воситаси сифатида фойдаланилган ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, методлар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар ёрдамида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, ишлаб чиқилган дастурий таълим воситалари, олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, таълимни стратегик ривожлантиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, “Технологик таълим” мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, инновацион усулда машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва талабаларнинг

олий таълим муассасасини битирганидан кейинги инновацион касбий фаолиятидаги креативлигини ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий таълим шароитида талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг креативлигини ривожлантиришга қаратилган “Internet network communication”, “Creative flight”, “Memory exercise” каби инновацион ўқитиш методларини қамраб олган “Технология фанини ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 648-сон буйруғи, 522-069 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг инновацион методлардан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилиб, тикувчиликка оид креативлигини ривожлантиришга эришилган;

“Blended learning”, “Three-stage training”, “The wheel of logical reasoning” инновацион технологияларининг самарали имкониятларидан ҳамда “NanoCAD”, “Discreet 3DS Max”, “Animation Master” дастурларидан фойдаланишга оид тавсиялар ва ишланмалар креативликни ривожлантиришга қаратилган “Технология фанини ўқитиш методикаси” фанининг мобил дастури, “Технология таълими практикуми” фани электрон ўқув қўлланма дастури ва “Сервис хизмати” фани электрон ўқув қўлланма дастури, “Технология фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиялар” фанининг дастурлаштирилган электрон ўқув-методик мажмуа дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, “Материалшунослик” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-166 рақамли гувоҳнома). Натижада, дастурий таъминот асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетентлигига оид (креатив, интеллектуал, ахборот билан ишлаш) компетенцияларини ривожлантириш бўйича хулосалар чиқариш имконияти яратилган;

5112100-Технологик таълим йўналиши талабаларининг инновацион ёндашувлар асосида касбий фаолиятидаги креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш, тикувчилик кўникмаларини шакллантиришга оид ишлаб чиқилган дастурий таълим воситалари, ўқув жараёнида фойдаланишга доир таклифлар “Технология фанини ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 648-сон буйруғи, 522-069 рақамли гувоҳнома). Натижада талабаларнинг тикувчилик креативлигини ривожлантириш ва уларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида, жами 11 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий-методик ишлар мавжуд бўлиб, шундан, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та ўқув қўлланма, 1 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та, жумладан, 10 таси хорижий журналларда (1 таси Scopus халқаро маълумотлар базасига киритилган илмий журналда, яқка муаллифликда), 7 таси республика журналларда чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 4 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, 126 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг креативлигини ривожлантириш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилиниб, тикувчилик компетентлигини шакллантиришда инновацион педагогик технологияларнинг илмий-методик аҳамияти ва креатив қобилиятларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари ўрганилган.

Талабаларнинг креативлиги деганда, таълим жараёни субъектлараро муносабатларда мулоқотли мақсадларга эришиш учун касбий масалаларни ҳал этишда ижодий фикрлаш орқали реал, ностандарт методларини намоён қилувчи ижобий хатти-ҳаракатларни тавсифловчи қобилият тушунилади. “Креативлик” тушунчаси ҳақида турлича таърифлар мавжуд бўлиб, республикамиз ҳамда хорижлик олимларининг креатив ёндашув борасидаги бир қанча илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Т.Д.Исмаиловнинг илмий ишларида, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида ижодкорлик қобилиятларини қўл меҳнати орқали ўстириш масалаларини ёритган бўлса, К.А.Зайиров бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида конструкторлик-технологик билим ва малакаларни

компьютер техникасини қўллаш асосида шакллантиришнинг политехник асосларини, Ш.С.Шарипов эса бўлажак касб таълими ва меҳнат таълими ўқитувчиларини ихтирочилик фаолиятга тайёрлашнинг илмий педагогик асосларини ишлаб чиққанлар. М.М.Акешова, А.С.Сеитбеккызы, Л.Ю.Королевалар томонидан креативликнинг психологик-педагогик асослари аниқланган бўлиб, креативлик ижодий интеллектуал қобилият сифатида қаралган, яъни олиб борилаётган тажрибаларга янгилик кирита олиш қобилияти, муаммони аниқлашда ва ечимини топишда оригинал ғоялар яратиш қобилияти, шунингдек ўқув-тарбиявий жараёнга қаратилган фаразларни шакллантириш қобилияти киради дея таъкидлаганлар. А.Бодо, Ж.Берре, Г.Лепутра, Р.Ремушам, Р.Мато, М.Шварц каби олимларнинг тадқиқотларига кўра, креатив шахс – ҳеч қачон бефарқ, тинч ҳолатда турмайдиган инсондир. У анчагина тартибсиз, кўп нарсага шубҳа билан қарайди, қизиқишлар доираси кенг, мустақил фикрлайди, атрофдагиларни ўз дунёқарашига мослаштиришга интилади.

Юқоридаги фикрлардан маълумки, талабаларни креатив ўқитишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги аммо, ахборотлашган жамиятнинг жадаллик билан ривожланиб бориши, олий таълим муассасаси “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креатив ўқитиш методикаси чуқур, ҳар томонлама ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Бўлажак технология фани ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлик сифатлари саккизта компонентдан иборат бўлиб, ушбу тадқиқот ишининг мазмуни урта компетенцияни ривожлантиришга қаратилган (1-расм).



1-расм. Бўлажак технология фани ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги тузилмаси.

Талабаларнинг тикувчилик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган компетенциялар мазмуни

Креатив компетенция: талабаларнинг бўлажак касбий педагогик фаолиятларида олиб борадиган амалий жараёнлардаги ҳатти-ҳаракатларига танқидий, ижодий ёндашиш, тикувчиликка оид дарс машғулотларида ўзининг технологик-конструкторлик кўникма ва малакаларига эга эканлигини намоён эта олиши.

Интеллектуал компетенция: талабалар ўқув фаолияти жараёнида аналитик фикрлаш, интеллектуал ғояларга эга бўлиб, ўзлаштирган билимларини амалий тажрибада синаб кўриш, қайта ишлаш, изланувчанлик, ижодкорлик қобилиятларига таянган ҳолда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириши ва муаммоларни ҳал қила олишидир.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси: талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанларига оид тикувчилик бўйича лойиҳалаш ва моделлаштириш машғулотларида ўзлаштириши ва тушуниши мураккаб бўлган жараёнларни дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб, дидактик топшириқларни бажариш, ахборот манбаларидан (телевизор, радио, аудио-видео ёзув, телефон)дан фойдалана олишдаги медиа-компетентлигини ривожлантириш.

Талабалар креатив сифатларга эга бўлишлари учун ўқув фаолиятида шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, уларнинг илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, технологик билим, кўникмаларни эгаллашларига эътибор қаратилди.

Диссертациянинг “**Талабаларнинг тикувчиликка оид креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш**” деб номланган иккинчи бобида дастурий таълим воситалари асосида талабаларнинг тикувчилик-технологик креативлигини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилган бўлиб, умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича ўқув жараёнининг электрон-дастурий ва методик таъминоти шакллантирилган ва шу асосида маъруза машғулотларида масофавий таълимдан фойдаланиш методикаси, амалий машғулотларда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси такомиллаштирилиб инновацион дарс машғулотларининг ишланмалари ва технологик хариталари ишлаб чиқилган.

Технологик таълим йўналиши талабаларини умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича касбий фаолиятга креатив тайёрлаш жараёнида дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб тайёрлаш тузилмасининг модели такомиллаштирилди.

Такомиллаштирилган моделнинг мазмуни

Малака талабларида: талабаларни тайёрлашга қўйиладиган илмий-тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш, педагогик фаолият турлари назарда тутилган.

Мақсад: бўлажак технология фани ўқитувчиларини дидактик ёндашувлар, инновацион, тамойилларга асосланиб креатив фикрловчи қилиб шакллантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик, ташкилий-методик, хусусиятларини ўрганиш асосида ўқитишдан иборатдир.


Инновацион технологиялар: Blended learning (аралаш таълим) концепцияси асосида “Технология фанини ўқитиш методикаси” фанини мустақил ўрганувчи шунингдек талабалар учун аудиторияда берилган таълимни янада мустаҳкамлаш, ўз устида ишлашни осонлаштириш, ўзининг рейтингини белгилаш, исталган вақтда шахсий мобил телефони ёки чўнтак компьютерларидан фойдаланган ҳолда 80-90 % ўзлаштириш натижасига эришиш имконини беради. Blended learning, яъни аралаш таълим талабалар томонидан ўқув жараёнининг тезлиги, жойи, вақти мустақил назорат қилиниши ҳамда ўқитувчи билан бирга ва online ўқиш тажрибаси интеграциясини фараз қилади. Аралаш таълим анъанавий ва масофавий таълим технологияларини бирлаштиради.

The wheel of logical reasoning (мантикий фикрлар чархпалаги) технологияси талабаларни дарс жараёнининг мантикий фикрловчисига айлантиради. Ушбу инновацион технология ақлни чархлаш, хотирани мустаҳкамлаш, жараёнга ижодий ёндашиш, таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш имконини беради.

Таълим мазмуни ва жараёни: талабаларда ўқув материални дастурий таълим воситалари асосида мустақил ўрганиш малакасини шакллантириш жараёни ўқитувчи томонидан мақсадли ташкил этилади ва унинг назорати остида амалга оширилади.

Юқорида айтилганлар асосида “Технологик таълим” йўналишида дарсларни ташкил этиш, кўргазмали методларни қўллаш юқори самара бериши илмий тадқиқотларда аниқланган бўлиб, айниқса у иш-ҳаракат фаолиятини виртуал тарзда намойиш қилиш натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Методлар: “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг креативлигини ривожлантиришда қуйидаги инновацион таълим методларини самарали имкониятларга эга эканлигини эътироф этиш мумкин: “Internet communication”, “Creative flight” ва “Memory exercise”. Ушбу таълим методлари талабаларда креатив фаолият малакаларини ва жамоавий фаол ишлашни ташкил этиш кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу методларнинг барчаси амалий фаолиятга йўналтирилган бўлиб, талабаларда креативлик, яратувчанлик, конструкторлик ва технологик компетенцияларини ривожлантиради.



2-расм. Дастурий таълим воситалари асосида талабаларнинг креативлигини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели

Баҳолаш мезонлари: талабаларнинг креативлигини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида олиб борилди: ижтимоийлик (ижтимоий онги, муносабати ва таълим тизимидаги ислохотлардан хабардорлиги ва ҳ.к.), коммуникативлик (педагогик мулоқотга киришувчанлиги, хорижий тилларни эгаллаганлиги ва педагогик этикани амалда қўллаши ва ҳ.к.), интеллектуаллик (касбий салоҳият, дунёқараш ва ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш ва ҳ.к.) ва ахборотлилик (ахборот технологиялар билан ишлаш, маълумотларни излаш, йиғиш ва қайта ишлаш ва ҳ.к.).

Тайёргарлик даражалари:

1. **Репродуктив даража** талаба тушунчалар моҳиятини репродуктив даражада ифодалайди; илмий билиш методларини етарлича эгалламаган, уларни педагогик амалиётда фақат қисман қўллаш олади, касбий креативлиги яхши ривожланмаган.

2. **Продуктив даража** талаба креативликнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар мавжудлигини назарда тутди. Аммо бу тасаввурлар чекланган ва мустақил педагогик фаолият олиб бориш учун етарли эмас, талаба ўқитувчи раҳбарлигида машғулоти ўтказишда кейинчалик қўллаш мумкин бўлган янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга мотивацияси мавжуд.

3. **Қисман изланишли даражада** талабанинг касбий фаолиятга креатив муносабати билан характерланади. У педагогик методларни эгаллаган, уларни касбий фаолиятида амалда қўллайди, янги ғояларни текшириш процедурасини ишлаб чиқишга қодир.

4. **Креатив даража** талабанинг креатив қобилиятлари ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини мантиқий ва тизимли ёндашув асосида педагогик фаолиятда қўллаш билиши, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши ҳамда ностандарт педагогик вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиши каби кўникмаларни назарда тутди.

Мазкур методика бўлажак технология фани ўқитувчиларининг креативлигини баҳолаш уларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Дастурий таълим воситаларни қўллаш асосида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда талабаларнинг функционал, психологик ва физиологик имкониятлари инобатга олиниши шарт. Талабаларни ўқитиш жараёнида, креативлигини ривожланганлик даражасини автоматик аниқлаш ва объектив баҳолашга, дастурий таълим воситалардан амалда назорат қилиш имконини берувчи мезонлар ва кўрсаткичлар танланиб, баҳолаш воситалари сифатида фойдаланилган ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилганлиги, назарий материалларни ўзлаштириш амалий машғулотларда амалий кўникмаларини ривожлантиришдан иборат бўлиб, ўқитишнинг электрон-дастурий ва методик таъминоти бўйича дастурлаштирилган электрон дидактик восита бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидланган таълим жараёнининг муаммоларини бартараф этишда, дастурий таълим воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, талабаларнинг касбий фаолиятидаги креативлигига оид технологик билим, кўникмаларни шакллантириш, ўз тажрибаларини ижодий нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш, реал амалиётдаги шароитда синаш ва амалий кўникмаларни инновацион билимлар асосида ривожлантириш мақсадида дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг такомиллаштирилган методикаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиниб, тажриба-синов дарс машғулотилари ўтказилди.

5112100-Технологик таълим йўналишининг ўқув режасидаги умумкасбий фанлар блокадаги “Технология фанини ўқитиш методикаси” фанидан талабаларнинг мустақил таълим олиш имкониятини такомиллаштириш мақсадида фаннинг мобил дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган, “Технология фани ўқув жараёнида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси” мавзуси бўйича дарс машғулотининг технологик харитаси ва ишланмаси келтирилган.

“Технология фанини ўқитиш методикаси” фанининг мобил дастури “Blended learning” (аралаш таълим) инновацион технологиясидан фойдаланиб, ишлаб чиқилган мобил дастури асосида ёритилган. Мобил телефонга ўрнатилган дастурнинг устига босганда, дастурнинг бош ойнаси ҳосил бўлади. Мобил дастурида қуйидаги контентлар шакллантирилган: бош саҳифа, дастур ҳақида маълумот, мундарижа, маъруза машғулотилари, глоссарий, тестлар банки, адабиётлар рўйхати, муаллифлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

5112100-Технологик таълим йўналишининг ўқув режасидаги умумкасбий фанлар блокадаги “Технология таълими практикуми” ҳамда ихтисослик фанлар блокадаги “Сервис хизмати” фанининг электрон ўқув қўлланмаси, “Технология фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиялар” танлов фанининг электрон ўқув-методик мажмуаси асосида “Технология таълими практикуми” фанидан “Аёллар миллий куйлаги намунасини тайёрлаш” мавзуси бўйича, “Сервис хизмати” фанидан “Тикув машинаси майда механизмларининг турлари” мавзуси бўйича, ишлаб чиқилган дастурий восита асосида амалий машғулотни ўтказиш методикаси такомиллаштирилиб, дарс машғулотининг технологик харитаси ва ишланмаси ишлаб чиқилган ва тажриба-синов дарс машғулотиларида фойдаланилган.

Диссертация ишининг **“Педагогик тажриба-синов ишлари ва олинган натижалар таҳлили”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси ишлаб чиқилиб, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг математик статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Тадқиқот мобайнида, олий таълим муассасаларининг 5112100-Технологик таълим йўналишида таҳсил олаётган, бўлажак технология фани ўқитувчиларнинг инновацион касбий фаолият жараёнларига оид, креатив

ёндашувининг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди ва белгиланган вазифалар асосида тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Ишлаб чиқилган дастурий таълим воситалари асосида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси самарадорлигини тажрибавий текшириш ва баҳолаш Бухоро давлат университети Қарши давлат университети, Навоий давлат педагогика институтининг 5112100-Технологик таълим йўналиши талабаларига қўллаш орқали олиб борилди.

Тажриба-синов иши уч босқичда 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, тажриба ва назорат гуруҳларида жами 544 нафар талабалар иштирок этди. Шундан, Бухоро давлат университети мисолида тажриба-синов ишларида жами 172 нафар жумладан, тажриба гуруҳларида 86 нафар, назорат гуруҳида 86 нафар, Қарши давлат университети мисолида тажриба-синов ишларида жами 228 нафар, шундан тажриба гуруҳларида 115 нафар, назорат гуруҳида 113 нафар ва Навоий давлат педагогика институти мисолида тажриба-синов ишларида жами 144 нафар, шундан тажриба гуруҳларида 78 нафар, назорат гуруҳида 66 нафар талаба респондентлар қатнашди.

Талабаларининг касбий фаолиятига оид акмеологик компетентлиги ва креативлигини ривожлантириш, ўқув жараёнида, ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион дастурлар орқали бўлажак технология фани ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлашда қўлланилаётган малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари ва ўқув адабиётлари, тикувчилик хоналарининг моддий-техник базаси тизимли таҳлил қилинди.

Талабаларни умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича касбий фаолиятга креатив ёндашув асосида тайёрлаш ҳолати текширилди; шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик ҳолати (билимлари) таҳлил қилинди.

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганишда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш жараёни таҳлилий педагогик тажрибалар асосида ўрганилди ва умумлаштирилиб, анкета сўровномалари ўтказилди.

Талабаларининг креатив фикрлашини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларини қўллашнинг мазмун-моҳияти, дидактик имкониятлари ва методикасини танлаш тамойилларининг тузилмаси ишлаб чиқилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўқитишнинг анъанавий шакллари эндиликда таълим жараёнини инновацион ташкил этиш масалаларини (масалан, электрон ва масофавий таълимда) тўла ҳал этишга қодир эмас. Таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишда дастурий таълим воситаларини қўллаш ва уларни ноанъанавий инновацион педагогик технологиялар билан интеграциялаш илмий-методик асосланди.

Тажриба-синов ишларини амалга оширишда К.Пирсоннинг χ^2 мезонига мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг биринчи

босқич якуний кўрсаткичлари билан иккинчи, учинчи ва якуний босқич кўрсаткичлари ўзаро қиёсий таҳлил қилинди.

Бунда H_0 гипотеза сифатида тажриба ва назорат гуруҳларидаги кузатув даврида баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимоллик тенг деб, муқобил H_1 , гипотезада тенг эмас деб олинади. Яъни H_0 - тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба-синов ишлари ўтказилгандан сўнг, талабаларнинг билим даражаларида катта ўзгариш сезилмайди.

H_1 - тажриба ва назорат гуруҳларида сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

Мазкур статистик гипотезани текшириш учун, биринчидан эмпирик қийматни критик қиймат билан солиштириш учун аҳамиятлик даражаси α аниқлаштириб олинади. Педагогик тадқиқотларда (α) нинг қиймати 0,05 га тенг деб олинади. Бу ҳолда ишончлилик айирмаси $1-\alpha$ нинг $1 - 0.05=0,95$ (яъни 95 % ишончлик даражаси)га тенг эканлиги аниқланди.

χ_i^2 нинг $\alpha = 0,05$ бўлгандаги критик қиймати 1-жадвалда берилган.

χ_i^2 нинг $\alpha = 0,05$ бўлгандаги критик қиймати

1- жадвал

M-1	1	2	3	4	5
χ_i^2	3,84	5,99	7,81	9,49	11,07

2-жадвал

Тажриба-синов ишларида қатнашган талабаларнинг дастлабки ва охириги натижалари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Баҳолар							
		ТБ	ТО	ТБ	ТО	ТБ	ТО	ТБ	ТО
		“2”		“3”		“4”		“5”	
Бухоро давлат университети									
Тажриба	86	2	0	40	22	39	49	5	15
Назорат	86	5	2	47	55	34	25	0	4
Қарши давлат университети									
Тажриба	115	3	0	62	27	45	66	5	22
Назорат	113	6	4	60	59	42	44	5	6
Навоий давлат педагогика институти									
Тажриба	78	1	0	30	14	40	44	7	20
Назорат	66	3	0	30	38	32	27	1	1
Учта ОТМ бўйича									
Тажриба	279	6	0	132	63	124	159	17	57
Назорат	265	14	6	137	152	108	96	6	11

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, талабаларнинг дастлабки ўзлаштириш даражалари ўрганилди. Тажриба-синов ишларида қатнашган

талабалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар қуйидаги жадвалда ифодаланди, 2-жадвалга қаранг.

